ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

4 июль, шанба 1998 йил №78 (580)

Сешанба , пайшанба
ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:
2
МУАММОГА ЎРИН ЙЎҚ
3
TV ДАСТУРИ
4
ҚЎШИҚ

Сурхондарё вилояти Ангор тумани «Занг» деҳқон-фермерлик уюшмаси аъзолари бу йил мўл ҳосил йиғиб олдилар.

Суратда: механизатор (чапдан) Р.Абдурасулов, туман ҳокими биринчи ўринбосари Р.Худойбердиев, уюшма раиси Қ.Ғаффоровлар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари

Қадриятларга эътибор бизни лол қолдирди

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг Самарқандга сафари жуда мароқли ўтди. Гуруҳ раҳбари, Тожикистон Республикаси вице-президенти Мусо ДИНОРШОЕВ ўз таассуротлари ҳақида шундай деди:

- Менинг Самарқанд вилоятига биринчи келишим. Бу юрт ҳақида кўп ўқиган, кўп эшитган эдим. Бироқ, бугунги кунда мамлакатингизда, жумладан, вилоятингизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари мени ҳайратга солди. Қадим Турон халқларининг неча минг йиллик бой маънавияти ва анъаналарини юксалтириш, ўтмишдан қолган бетакрор тарихий обидаларни асраб-авайлаш, жаҳон илм-фанини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган алломаларнинг муқаддас номларини қайта тиклаш борасида олиб борилаётган улуғвор ишлар бизни айниқса лол қолдирди.

Буни биз Самарқанд мисолида ҳам яққол кўрдик. Буюк соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилган ҳайкал, унинг номидаги боғ, машҳур Регистон майдонидаги ёдгорликлар асл ҳолига келтирилгани, мусулмон оламининг буюк муҳаддиси Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги муносабати билан Челак туманидаги қадамжода маҳобатли ёдгорлик мажмуи бунёд этилаётганидан беҳад қувондик.

Юрти обод, эли осойишта, ўзининг буюк келажагига ишонган халқгина шундай ишларга қодирдир.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Бу юртнинг келажаги порлоқ

Мамлакатимизда ўтаётган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи улуғ саркарда ва жаҳонгир Амир Темур таваллуд топган юрт Шаҳрисабзда бўлди.

Меҳмонлар шаҳардаги тарихий обидаларни кўздан кечириб, Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Кечқурун Шаҳрисабз шаҳар маданият саройида тожикистонлик санъаткорлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзгаришлар меҳмонларни ҳайратга солмоқда.

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушдик, - дейди Тожикистондаги машҳур «Зарафшон» ансабли хонандаси Турсунмурод Зарипов. - Бу сизларнинг аҳлликларингиз, юртбошингиз Ислом Каримов атрофида маҳкам жипслашганликларингиз туфайли, деб ўйлайман. Бугун Шаҳрисабзни томоша қилдик. Тарихий обидаларга ҳурмат, соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилган ёдгорлик - ҳаммаси ажойиб. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда тинч ва осуда ҳаётни, амалга оширилаётган улкан ишларни кўриб хавасимиз келди.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Муносабат

КЎЗИМИЗГА НУР, ҚАЛБИМИЗГА МАЛҲАМ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб юртимизда отаётган ҳар бир тонг, шу тонг каби фақат эзгулик, миллат фаровонлиги халқ жипслиги, эртанги кунга ишонч туйғуларига тўла пок-покизадир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг пойтахтимиз марказий майдонида Хотира хиёбони барпо этиш тўғрисидаги фикрлари ва шу йил 24 июнь куни «Халқ сўзи» газетасида Х.Султоновнинг «Хотира халқни бирлаштиради» номли мақоласини ўқиб, очиғини айтсам кўзларимга ёш келди. Ҳа, мен уруш жанггоҳларида жон таслим қилаётган сафдошларим, дўстларимни кўрганимда кўзларим чақнаб, қалбимда қасос олиш туйғуси бўлган бўлса, бугун эса беихтиёр кўзларимга ёш олдим, улар хотирасининг ҳурматланиши кўнглимни юмшатиб юборди.

Чунки республикамизнинг ҳар бир бурчагидан урушга кетаётганимизда биз, шу юртимиз, ортимизда қолаётган қариндош уруғ, опа-сингил, оналаримиз тинчлигини ҳимоя қиламиз деб йўлга отланганмиз. Қайси жангга кирмайлик, мана шу аҳд ёдимиздан чиқмаган. Имоним комил, шаҳид кетганлар сўнгги нафасигача мана шу аҳд-паймон билан яшаганлар. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, дориламон кунлар келди. Урушда шаҳид кетганлар руҳини шод этиб, урушдан қайтганлар иззат-ҳурматини жой-жойига қўяётган давлатимиз раҳбарига минг бор раҳмат айтамиз.

Айниқса, Президентимизнинг «Номаълум солдат» дегани нима?» деган гаплари мени яна ўша оловли йиллар хотирасига етаклади.

Бизнинг юртда маҳаллачилик, қўни-қўшничилик, юртдошлик қон-қонимизга сингиб кетган. Урушдан қайтмаган шаҳидларнинг ака-укаси, жияни, невaралари ҳануз уларни эслашади. Улар нега энди номаълум бўлсин. Ахир улар шу урушда дунёнинг қайсидир ҳудудида шаҳид бўлишгани маълумку?!

Бизнинг юртдан ҳеч бир инсон урушда «номаълум солдат» бўлиб қолмади. Бу юртдан урушга кетиб шаҳид бўлган ҳар бир юртдошимиз «машъум уруш қурбони, халқ ҳимоячиларидир. У менинг тенгқурим, энг яқин қариндошим, юртдошим, ҳамқишлоғим, қўшним, ёки... хулласи ўзбек ўғлони эди.

Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Хотира хиёбони матонатли халқимизнинг урушда кўрсатган жасоратига мангу ҳайкал бўлибгина қолмасдан, авлоддан авлодга халқимизнинг жипслиги, авлодлар шаън-шавкати бўлиб қолади.

Худойберди БОБОЕВ,
уруш фахрийси.
Навоий вилояти.

Иқтисодиёт одимлари

УСТЮРТ УЙҒОНМОҚДА

1.ГИГАНТ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Бир пасда Устюртга чиқиб олдик. Йўлда ҳар хил русумдаги ва турли рақамлар битилган, хилма хил хорижий мамлакатларнинг юк автомашиналари тез-тез учрай бошлади.

- Булар Отрау ва Бейнеу орқали Россия, Европадан юк олиб келаётган машиналар, - изоҳ берди шофёримиз. -Яқинда умумий узунлиги 420 километрлик Қўнғирот-Бейнеу тош йўли қурилиб фойдаланишга топширилгач, бундай автомашиналарнинг қатнови бир неча марта кўпаяди. Бу йўлнинг 330 километрлик қисмини бизнинг йўлсозлар қураяпти. Кимсасиз биёбон ўртасида мўъжиза юз бергандек, кўз олдимизда каттакон шаҳарча намоён бўлди. Даставвал ҳар турли трубалар, кўтариш кранлари кўзга яққол ташланди. Сал ўтгач у ёқдан бу ёққа ғизиллаб бориб келаётган машиналар ва одамлар кўринди. Бу - мамлакатимиздаги энг йирик ва зарбдор қурилишлардан бири Қўнғирот сода заводининг ўзгинаси эди.

Иншоотнинг барча участкаларида иш куни аллақачон бошланиб кетган экан. Бош муҳандис Озод Сержанов иш кунининг бу қадар барвақт бошланганига таажуб билан қараётганимизни сездими, ишқилиб, ишбилармон кишиларга хос шошқинлик билан изоҳ берганича вазиятни тушунтира бошлади:

- Устюрт, Устюрт-да... Яна бир соатлардан кейин ҳарорат 50 даражага кўтарилади. Бир сўз билан айтганда нафас олиш қийинлашади. Шамол-тўзон бўлиб қолса-ку, худо урди деяверинг. Кўз очиргани қўймайди. Шунинг учун ишни бошқа ерлардагига нисбатан бир-бир ярим соат олдин бошлашга одатланганмиз.

Қурилиш «Ўзкимёсаноат» томонидан олиб борилмоқда. Завод 74,6 гектарни эгаллайди. Унинг тўла қуриб битказилиши учун 654,2 миллион Америка доллари миқдорида маблағ сарфланади. Шундан 211,2 миллион долларлик хорижий технологиялар, асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилади. Корхона 2001 йили фойдаланишга топширилгач, йилига 160 минг тонна кальцийли, 150 минг тонна каустик, 20 минг тонна

(Давоми. 2-бетда)

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ҲИНДИСТОНДА ОФАТ

Ҳиндистонда бир неча ҳафта давом этган ва мингга яқин кишининг вафот этишига сабаб бўлган ҳароратнинг кескин кўтарилишидан сўнг яна бир табиий офат рўй берди. Ҳиндистоннинг Гужарат ва Ражастхан штатларида жуда кучли бўрон бўлди. Табиий офат оқибатида кўпгина иншоотлар вайрон бўлган. Сув тошқини эса темир йўллар, турар жойлар ва қишлоқ хўжалиги экинларини нобуд қилган. Дастлабки маълумотларга кўра, 300 га яқин одам ҳалок бўлган. Табиий офат етказган зарар бир неча миллиард рупий қийматида белгиланмоқда. Ҳиндистон Бош вазирининг шахсий жамғармасидан мазкур табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун 50 минг рупийга яқин маблағ ажратилган.

АҚШДА ЖАЗО

Америка Қўшма Штатларидаги молиявий ташкилотларни ўз атрофига бирлаштирган қўмита раҳбарияти Швейцария банкларига қарши иқтисодий жазо чоралари қўлланилишини эълон қилди. Швейцария банклари Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар қўлга киритган бойликларни одил суд ҳукмидан яширишда айбланмоқдалар.

РОССИЯДА НАМОЙИШ

Россиянинг Ғарбий Сибирь минтақасидаги Кузбасс кўмир конларида аҳвол ҳамон жиддий бўлиб турибди. Анжеро-Суженск кўмирчилари ҳукуматга қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Намойиш вақтида улар Транс-Сибирь магистралини тўсиб қўйиш масаласини муҳокама этдилар.

...ВА ИНҚИРОЗ

Россиянинг яна бир минтақаси — Приморьеда энергетик инқироз юзага келди. Приморьедаги барча электро-станциялар истеъмолчиларга энергия узатишни тўхтатиб қўймоқдалар. Яъни, Приморье аҳолиси ёруғликсиз ва маиший хизматсиз қолиши хавфи туғилди. Энергетикларнинг иш ташлашига асосий сабаб истеъмолчиларнинг узоқ вақтдан бери пул тўламаётганлигидир. Приморье аҳолиси ва муассасаларнинг энергетикларга тўлаши керак бўлган қарзи 4 миллиард рублни ташкил этади.

БУЮК БРИТАНИЯДА ХОТИРА

Буюк Британияда марҳума малика Диана хотирасига бағишлаб унинг уй-музейи очилди. Бу музей маликанинг туғилган куни муносабати билан ташкил этилди. Уй-музей Дианани хотирлаш учун келганларга август ойига қадар очиқ бўлади.

БЕЛОРУССИЯДА БАЙРАМ

Белоруссияда миллий байрам Мустақиллик куни нишонланди. Байрам арафасида мамлакат Президенти Александр Лукашенко белорус халқига мурожаат этиб, Белоруссия ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва дунё давлатлари билан алоқаларни ривожлантириш йўлидан қайтмаслигини маълум қилди. Шунингдек, Президент Лукашенко Белоруссияда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилишини таъкидлаб ўтди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Қўқондаги «Улуғбек» ҳиссадорлик жамиятида маҳаллий хомашё — пахта ипидан пайпоқ тўқиш йўлга қўйилди. Натижада шундай хомашё тақчиллиги сабабли тўхтаб қолган дастгоҳлар ишлай бошлади. Гап шундаки, шу пайтгача сунъий ип толалари хориждан келтирилар эди. Мутахассисларнинг таклифи билан корхона қошида йигирув цехи ташкил этилиб, пахтадан ип йигириш йўлга қўйилганлиги хомашё тақчиллигига чек қўйди. Бундай ипдан тўқилаётган пайпоқлар пишиқлиги, бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Гулнора Гулмуродова Косон туманидаги «Пистоли» жамоа хўжалиги 2-звеноси аъзоси. У ўзига биркитилган 3 гектар майдондаги ғўзани меҳр-муҳаббат билан парваришламоқда.

Суратда: пахтакор Гулнора Гулмуродова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

4 июль — Америка Қўшма Штатларининг миллий байрами — Мустақиллик куни

Бундан икки асрдан зиёд вақт илгари, яъни 1776 йилнинг 4 июлида сайёрамизнинг Ғарбий ярим шарида жойлашган сеҳрли диёр Америка Қўшма Штатлари мустақил давлат деб эълон қилинди. Бу дунёдаги илк демократик тамойилларга асосланган, қудратли ва марказлашган давлатлардан бири эди. Америка Қўшма Штатларининг ўша вақтда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси учта сўз билан бошланган эди: «Эрк, Ҳуррият, Озодлик». Қарийб икки юз йил илгари давлатчиликнинг энг асосий тамойиллари деб белгилаб олинган эрк, ҳуррият ва озодлик Америка Қўшма Штатлари учун ҳамиша муқаддас бўлиб келган. Зотан, бу қадриятлар жаҳондаги барча мамлакатлар ва элатлар учун бирдек муқаддасдир.

1991 йилда икки асрлик эрк ва ҳурриятга эга бўлган Америка эндигина мустақиллик йўлига қадам қўйган ёш давлат — озод Ўзбекистон Республикасини расман тан олди. Тез орада икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, 1992 йилнинг 16 мартида пойтахтимиз Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг элчихонаси очилди. Бу — Ўзбекистонда очилган илк хорижий давлат ваколатхонаси эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар самарали ривожланиб бормоқда. Сўнгги вақтда Американинг турли доира вакилларининг юртимизга ташрифлари АҚШ ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тобора интилаётганини кўрсатади. Жумладан, яқинда Ўзбекистонда Америка Қўшма Штатларининг «Сикорски Эйркрафт» компанияси президенти Южин Бакли ҳамда «Юнайтед Текноложиз» корпорациясининг вице-президенти Рут Харкин хоним ташрифда бўлдилар. Шуни айтиш керакки, «Юнайтед Текноложиз» корпорацияси АҚШнинг етакчи саноат бирлашмаларидан бўлиб, унинг таркибига ўнга яқин йирик саноат компаниялари киради. Мазкур бирлашма билан алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда фойдали. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам, жаноб Южин Бакли ва Рут Харкин хонимни қабул қилган чоғида, «Юнайтед Текноложиз» корпорацияси билан ҳамкорликни кучайтиришимиз катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб, самара бераётганлигидан мамнуният билдирди.

Шарҳловчи минбари

Бу ташрифдан кўп ўтмасдан, мамлакатимизга АҚШнинг «Экспорт-импорт банки» раиси Жеймс Хармон ташриф буюрди. Ташриф давомида Америка банки томонидан Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилиши борасида музокаралар бўлиб ўтди.

1997 йилнинг кеч кузида эса Ўзбекистонга АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним ташриф буюрган эди. Мазкур ташриф ҳам Америка ҳукуматининг Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни тобора кучайтириб боришга интилишини кўрсатади.

Ҳа, бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар давлатлараро алоқаларнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан ва мунтазам ривожланиб бормоқда. Америка сиёсий доиралари, ишбилармонлари республикадаги сиёсий барқарорлик ва сармоядорларга яратилган қулай шароитни кўриб Ўзбекистонга ишончли ҳамкор сифатида муносабат билдирмоқдалар. АҚШ расмий маъмуриятининг Ўзбекистон иқтисодиётига сармоялар киритишни рағбатлантириш борасида амалий қадам қўяётгани, айниқса, энг муҳим воқеалардан бўлди. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида «Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида» ҳукуматлараро битим имзоланган. Бу битим иқтисодиётларнинг интеграциялашувини ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилишини қонун йўли билан таъминлайди.

АҚШ маъмурияти қарорига биноан, президент Билл Клинтон мамлакат Конгрессида Ўзбекистонга имтиёзлар бош системаси рухсат этган маҳсулотларни божсиз АҚШга олиб кириш ҳуқуқи берилганини эълон қилган. Бу Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар 4000 турдаги маҳсулотларни АҚШга божсиз киритиш имконига эга бўлганини англатади. 1996 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг АҚШ га расмий сафари икки давлат ўртасидаги алоқалар равнақида муҳим аҳамият касб этди. Ташриф чоғида имзоланган икки томонлама ҳамкорлик битимлари бугунги кунда ҳаётга самарали тадбиқ этилмоқда.

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресселнинг маълум қилишича, Ўзбекистон билан АҚШ, хусусан талабалар алмашиш, таълим, солиқ, ҳуқуқ, шунингдек соғлиқни сақлаш соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Сайлов тизимини такомиллаштириш борасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам яхши натижалар бермоқда.

Сўнгги вақтда Америка ишбилармон доиралари вакиллари, сенаторлари, ҳукумат аъзоларининг Ўзбекистонга тез-тез ташриф қилишлари ҳам АҚШ Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида баҳолаётганини кўрсатади. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги етакчи давлат деб билади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг самарали ривожланиши бевосита тармоқлар фаолияти ислоҳотларини қай даражада амалга оширилишига боғликдир. Ўзбек резина-техника саноати республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда соҳа мутахассислари тадбиркорлик билан иш юритиб, кўпгина корхона ва ташкилотлар учун зарур бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар. Ангрен шаҳридаги «Ўзбек резина техника ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан биридир. Бирлашма ҳозирда саноат ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган резина ва техника маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Илгари конвеер лентaлари Россиядан катта маблағ ҳисобига келтирилар эди. Бу асосан пахтани қайта ишлаш корхоналари, ёғ-мой комбинатлари учун зарурдир. Бугун мана шу лентaлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган эни 650 миллиметр бўлган бир дона 100 метрли мана шундай ўрамнинг нархи 170 минг сўмдир. Корхона жамоаси ўз маҳсулотини янада пишиқроқ, арзонроқ, сифатли қилиб тайёрлаш йўлида иш олиб боряпти. Цехларда резина хом-ашёси мато билан бириктирилиб, унинг тайёр ҳолига келтириш жараёнлари соҳа ишчиларидан катта масъулиятни талаб қилади. Чунки озгина эътиборсизлик ва англашилмовчилик маҳсулот сифатига таъсир этади. Корхонанинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси чет эл сармояларини корхонага жалб этиш, шу жумладан, енгил автошиналарни ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этишдан иборат.

Д. ЮСУПОВ.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшмаларида

Шўрчи тумани Усмон Дониёров номли жамоа хўжалиги 3-ғаллачилик бригадасида 35 гектар ғалла бор. Жамоа хўжалиги аъзолари 2 иш кунида ғалла ўримини тугатди.

Суратда: (чапдан иккинчи) туман касаба уюшмалари раиси Аҳмад Ўсаров илғор бригадир Хушбахт Йўлдошевни пул мукофоти билан қутламоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

Касабақўм: бугун у қандай бўлиши керак?

«КАСАБАҚЎМЛИГИМ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ»

Сурхондарё вилоятининг қўриқ Музрабод туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ҳаким Ҳамроев олиб бораётган ишлар билан танишар эканман, касабақўм сифатида олиб бораётган ишларини сўраганимда, даб-дурустдан деди:

- Одатда мухбирлар келиб яхши-яхши нарсаларни ёзиб кетаверади. Сиз эса йўқ нарсаларни сўрайсиз. Мен ҳам бу ерда узоқ йиллардан бери ишлайман. Тағин яна бир нарсани айтай, менинг асл касбим шифокор, касабақўмлигим иккинчи даражали, чунки туман марказий шифохонасида физиотерапия бўлими бошлиғиман. Сизлар келиб-кетасизлар. Мен, қоламан.

- 1998 йил учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши билан танишсак.

У столга тўрттагина варақдан иборат бўлган қоғозни қўяди. Аста варақлайман. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг Жамоа шартномалари бобининг талабларига жавоб бермаслигини айтаман.

- Биз бюджетдан пул оламиз,-дейди у.-Туман молия бўлими хоҳлаган вақтда пул беради. Шунинг учун ҳам мукофот у ёқда турсин, ҳатто уч-тўрт ойлаб иш ҳақимизни ололмай юрибмиз.

- Бошқа ҳужжатларингиз борми?

- Яна қанақа ҳужжат.

- Шартноманинг бажарилиши ҳақида маълумотлар, ҳисоботларингиз дегандай?

- Тўғриси, бошқа...

- Қанча касаба уюшмаси билетини тарқатдингиз?

- 500 та билет олиб келганман. Бунинг ярмига лотинча ёзиш керак экан. Буни қилганимиз йўқ. Бор билетларни ҳам тарқатишга улгурмадик.

Ҳаким Ҳамроевнинг кўп эътирозларига қарамай туман марказий шифохонасининг болалар ва терапия бўлимларида даволанаётган беморлар билан учрашамиз. Улардан бири - Дилшода Эшпўлатова:

- Фақат кроват ва матрас шифохонаники, яна новвакаинни қўлда тайёрланганини беришади. Дўхтирларга шунисига ҳам раҳмат айтиб, дори-дармонни ўзимиз сотиб олаяпмиз. Худди шу фикрни бемор Тўхта Эшқулов ҳам айтади.

Туман марказий шифохонасининг туғруқхонаси бўлими бошлиғи Исмоил Усмонов беморларга бериладиган озиқ-овқат меъёрини айтиб бера олмади. Бу ҳолни кўрган касабақўм раиси пинагини ҳам бузмайди. Биз бу ерда бўлганимизда касаба уюшма ташкилотининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоясини таъминлаётганини сеза олмадик.

Мана, довруғли Музрабод тумани шифохонасида шунақа гаплар.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшма минбари

МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Фабрикамиз ишлаб чиқариш цехларида 2758 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший дам олишларини тўғри ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг болаларини соғломлаштириш ишларида яхши натижаларга эришиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш, цехларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишларга яқиндан туриб ёрдам бериш - касаба уюшма қўмитасининг асосий вазифасига айланган.

«Оила йили»да кам таъминланган ишчи оилаларига моддий ёрдамлашишга айниқса алоҳида эътибор берилаяпти. Шу йилнинг март ойида, масалан, 29 та оилага, апрел ойида эса 21 оилага ана шундай ёрдам берилди. Бундан ташқари ҳар чоракда бир марта ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришган пешқадам ишчилар аниқланиб, уларга ўз вақтида мукофотлар бериб борилмоқда.

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ҳузуридаги ишчилар саломатлигини тиклаш тиббиёт масканида фабрикамиз ишчи-хизматчиларидан ҳар ойда 35 нафар киши даволаниб, ўз соғлиғини яхшиламоқда. Фабрикадаги кичик тиббиёт поликлиникаси ҳам меҳнат аҳли хизматида. Унда беморлар физиотерапия, ички касалликлар, тиш хасталиклари муолажаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Жарроҳлик ва аёллар касалликларини даволаш бўлимларида ҳам малакали шифокорлар иш олиб бормоқдалар. 2-йигирув-тўқув фабрикаси ошхонасида парҳез овқатлар ташкил этилган. Улар ҳар ойда бор-йўғи 442 сўмдан овқат пули тўлашади, холос.

Ўтган давр мобайнида фабрика меҳнатчиларидан 45 киши «Тошкент маъдан сувлари», «Мохи Хосса», «Чортоқ» сингари санаторийлар ва бир қатор дам олиш уйларида бўлиб, ўз саломатликларини мустаҳкамладилар, маданий дам олдилар.

Фабрика ишчиларининг болалари эса ҳар йили ёз фасли келиши билан «Ёш тўқимачи» оромгоҳида соғломлаштириладилар. Бу йил ҳар мавсумда 120 нафардан кўпроқ боланинг дам олиши кўзда тутилган. Ота-оналар йўлланмалар нархининг 10 фоизини тўламоқдалар холос.

Жисмоний тарбия-спорт ишларининг тўғри олиб борилиши ҳам фабрика касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. «Соғлом танда - соғ ақл» деганларидек, жисмоний тарбия машғулотлари фабрика ишчиларининг янада унумли меҳнат қилишлари, уларнинг ҳар доим соғлом ва бақувват бўлиб ҳаёт кечиришларида муҳим омил бахш этаяпти. Ишчи-хизматчиларнинг ишдан бўш вақтларида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол турлари билан шуғулланишлари учун фабрикада барча шароитлар яратилган. Ҳозирги пайтда вилоят миқёсида турли спорт мусобақалари ўтказиб турилибди. Яқинда бўлиб ўтган енгил саноат корхоналари ўртасидаги спорт баҳсларида 2-йигирув-тўқув фабрикаси баскетболчи қизлари жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар, фахрий ёрлиқ пул мукофотлари билан тақдирландилар. Оилалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида эса Адҳамовлар оиласи фаол қатнашди ва қимматбаҳо совға билан мукофотланди.

Хуллас, фабрикамиз касаба уюшма қўмитаси йил бошида тузиб чиқилган қатъий иш режаси асосида иш олиб боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Турган гапки, ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва меҳнат жамоаси ўртасида 1998 йил учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши ҳам диққат марказимизда.

Нурбой ШОДМОНОВ,
«Бухоротекс»
ҳиссадорлик жамияти
2-йигирув-тўқув фабрикаси
касаба уюшма қўмитаси раиси.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўқув-тарбия муассасалари ходимлари ҳамда жойлардаги касаба уюшма фаолларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Олий Мажлиснинг I-чақириқ XI-сессия материалларини ҳаётга тадбиқ этиш ва шу асосда ёшлар ўртасида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, уларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ўзлигини англаш руҳида тарбиялашда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги, бунда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг вазифалари мавзусидаги навбатдаги худудий семинар ўқувини Шаҳрисабз шаҳрида ўтказди.

Қонуннинг ижросини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида педагог ходимларни, талаба-ўқувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида республика Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан зиёд Фармонлари ва қарорлари эълон қилинди.

Ҳукуматнинг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида умумтаълим мактабларининг амалда бўлган дастурларини тубдан ислоҳ этиш, 9-йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш, унинг ўрта махсус касб-ҳунар таълими билан давомийлиги ва узвий боғлиқлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Мазкур масалалар хусусида фикр алмашиш ва мулоҳаза юритиш учун фаоллар семинарига Халқ таълими вазирининг муовини М.Султонов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бош бошқармаси бошлиғининг муовини Э.Каримов, Қарши давлат университети ректори, профессор Н.Ҳакимов, Қарши иқтисодиёт-муҳандислик институти проректори, профессор Ш.Убайдуллаев, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармасининг бошлиғи А.Эркаев, Шаҳрисабз туман «Маҳалла» жамғармаси раиси М.Холбоев, вилоят Ички ишлар бошқармаси жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Б.Тоғаев ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилдилар ва маърузалари билан қатнашдилар.

Республикамизда бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, инсон ҳуқуқларининг муҳофазасига доимий эътибор бериб келинмоқда. Инсон омили, унга ғамхўрлик қилиш, инсон вояга етадиган оилага алоҳида эътибор қаратилган.

Шу йилнинг 5 январида Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан 1998/99 ўқув йили учун умумтаълим мактабларига дарсликлар, ўқув қўлланмалар чоп этилиб пуллик шакли жорий этилиши билан кам таъминланган тармоқ ходимларини ҳимоя этиш мақсадида ҳар вилоятда халқ таълими бошқармалари томонидан олиб борилаётган муайян ишлар муҳокама этилиб, бу борадаги тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмиталари ва ўз ҳиссаларини қўшишлари кераклиги кўрсатилди ва олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар, боғчалар, Фанлар академиясида кўп болали ва муҳтож оилаларнинг рўйхатларини тузиб, уларга дарслик сотиб олишлари учун керакли моддий ёрдамни кўрсатиш зарурлиги таъкидланди ва Марказий қўмита Раёсатининг қарори қабул қилинганлиги таъкидланиб, ўқув иштирокчиларининг жойларда ўз фаолиятида ушбу масалага алоҳида эътиборларини қаратиш лозимлиги уқтирилди.

Й.АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Марказий
қўмитасининг бош мутахассиси.

СЎЛИМ БОҒ-РОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

Тошкент вилоятининг сўлим оромгоҳларида ҳам болаларнинг ўйин-кулгиси авжга чиқа бошлади.

- Мактаблар ҳузурида ташкил этилган 130 дан ортиқ ўқувчилар оромгоҳларининг ўзида ўн мингдан зиёд ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради, - дейди вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мукаррама Ўрунбосарова.-Ҳар бир йўлланмага ота-оналар атиги 202 сўм 50 тийин тўлайдилар, холос.

Бугунги кунда вилоятимизда учта меҳрибонлик уйи ишлаб турибди. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйи ўзининг оромгоҳига эга. Белдирсой қишлоғидаги сўлим боғроғлар қўйнида жойлашган бу оромгоҳ бутун ёз мавсуми давомида ишлайди.

Ангрен шаҳри ва Бўка туманидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам ўқувчилар ёзини кўнгилдагидек ўтказадилар. Келгусида бу уйлар учун алоҳида ёзги дам олиш стационарлари қуриш режалаштириб қўйилди.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари сони ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили бундай масканларда 15 мингга яқин ўғил-қиз дам олган эди. Бу йил ҳам кўпчилик ўқувчи бундай имкониятдан баҳраманд бўлади.

Юқори синф ўқувчиларини спорт оромгоҳларига жалб этиш тадбирлари ҳам кўрилди. Масалан, Янгиобод шаҳрида янги очилаётган спорт оромгоҳи фаолиятини йўлга қўйишда вилоят олимпиада резервлари мактабининг ёрдами катта бўлади.

Ўқитувчи-педагогларнинг ёзги дам олишини кўнгилдагидек ўтказиш режалари ҳам ишлаб чиқилди. Кўпчилик маорифчилар «Сўқоқ», «Кумушкон» дам олиш уйларида ёзилиб ҳордиқ чиқарадилар.

А.АЛИЕВ.

Иқтисодиёт одимлари

УСТЮРТ УЙҒОНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

озиқ-овқатбоп сода ишлаб чиқаради. Унинг маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда балки чет элларда ҳам талаб каттадир. Бу ерга сарфланган ҳаражатлар 8 йилда тўла қопланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 май кунги фармойишида ана шу рақамлар ўз ифодасини топди.

2. ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА ИШ ҚИЗҒИН

... Биз бўлғуси гигант иншоотнинг саноат базаси жойлашган қисмидаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирдик. Бу ерда асосан «Қорақалпоқфуқаросаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг «Қўнғиротсодақурилиш» бошқармаси жадал суръатда аниқроғи эрталабки жонга ҳузур бағишловчи салқин дамлардан унумли фойдаланиб самарали иш олиб бораяпти.

Уларнинг кучи билан 140 ўринли автосарой, темирбетон маҳсулотлари тайёрловчи корхоналар, ҳар хил омборлар, иситиш, компрессор цехлари қурилиб фойдаланишга топширилган экан.



Қурилиш майдонида

Бошқарма бошлиғи Мирзағалий Бойимбетов ўзи раҳбарлик қилган жамоа аъзолари ҳозир асосан кальцийли сода цехи бўлимларида, назорат-ўлчов асбоблари цехида ва марказий лабараторияда кунни тунга улаб ишлаётгани тўғрисида қисқача баён қилди.

- Бизга яна бир масъулиятли вазифа топширилган,-дейди у. -Биласизми, завод учун асосан хомашё-туз бу ердан 59 километр узоқликдаги «борса келмас»дан олинади. Унинг туз заҳираси 16 миллиард тонна деб тахмин қилинаяпти. Бу конда «борса келмас» хлор-натрид туз рудингини қуриш бизнинг зиммамизга юклатилди.

Завод ҳудудига «Кунхўжа» станциясидан 7 километрлик темир йўл излари тортилиб, «Садовая» станцияси ташкил этилибди. Корхона ҳудудида эса 6,4 километрлик пўлат изларда вагонлар қатнови йўлга қўйилади. Шунингдек, корхона мажмуида 80.200 квадрат метр хажмдаги майдонга асфальт ётқизилиши ишларнинг бир маромда олиб борилишига катта ёрдам берганини, уни жуда қисқа муддатда Қўнғиротдаги йўлсозлар амалга оширганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бўлғуси Устюрт гигантини электр энергияси билан кафолатли тарзда таъминлаш бўйича олиб борилган қўшимча ишлар ҳам поёнига етди. Тахиатош ГРЭСидан янги линия тортиб келтирилди ва «Қўнғирот-Бейнеу» асфальт тош йўлининг бўйида кичик электр станцияси қурилди.

3. УСТЮРТНИНГ БИРИНЧИ ФАРЗАНДИ

Сода заводида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишар эканмиз, бизни бир нарса ажаблантирди: Бу - ҳали ҳам заводнинг асосий корпуси бошланмагани эди.

- Бунга асло ажабланиш керак эмас,-дейди Тян-Қўнғирот сода заводи Бош дирекцияси директорининг ўринбосари Николай Юниферович.- Бизда асосий эътибор-дастлаб ижтимоий, маданий-маиший хизмат иншоотлари қурилишини битказиб олишга, бу ерда ишловчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган. Устюрт ўз номи билан Устюрт-да! Бу ерда ишловчиларга дуруст шароит муҳайё қилмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш, мушкуллигини ҳукуматимиз ҳам, барча раҳбарият ҳам чуқур англайди.

6 та ҳар бири 96 кишига мўлжалланган турар-жойларга 1996 йилдаёқ ишчилар кўчиб ўтишган. Шунингдек, магазин, ҳаммом, Германиянинг «Венклер» фирмаси технологияси асосида маҳсулот тайёрлайдиган нонвойхона ишлаб турибди. Яқинда 30 оилага мўлжалланган тағин 2 та турар жойлар фойдаланишга топширилди. Ҳозир 1 та 30ўринли, 4 та 18 хонадонли турар-жойлар қурилмоқда.

Лаборант-кимёгар Зуҳра Қўшжонова.

Пайвандчи Ережеп Рейимов ва Даригул Норбоеваларнинг фарзанди худди шу ерда дунёга келди. Ота-она унга яхши ният билан Сулувхон деб исм қўйишибди.

***

Қурилишда қатнашаётганларнинг кўпчилиги оиласи билан шу ерда истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам сода заводида 320 ўринли мактаб биноси қурилиши тамомлангани айни муддао бўлди. Бу ерда мамлакат мустақиллик куни дарсга қўнғироқ чалиниб, унинг жарангдор овози саҳро узра баралла янграйди. Энди эса 90 ўринли болалар боғчаси, клуб, маиший хизмат уйи, саломатлик маркази, 2 та 18 квартирали, 2 та 30 квартирали турар-жойлар қурилиши жадал равишда олиб борилмоқда. Ижтимоий, маданий-маиший хизмат нуқталарини кўплаб қуриш бундан кейин ҳам изчил давом этаверади. Чунки завод атрофидаги ишчилар шаҳарчасида 5 минг аҳоли истиқомат қилади.

Фақат бугун эмас, саноат базаси мажмуи худудида тағин 200 ўринли ошхона, миллий чойхона бунёд этилади. Завод учун «Равшан» посёлкасидан 24 километрлик йирик диаметрли трубалар тортилиб, тоза ичимлик суви келтирилади.

Мамлакатимиздагина эмас, балки Марказий Осиёда ягона бўладиган сода заводи ишга тушгач, бу ерда салкам 3 минг киши меҳнат қилади. Ана шуларнинг яхши кайфияти, замон талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришлари учун шу кундан эътиборан пухта замин ҳозирланмоқда. Завод худуди эгаллайдиган салкам 80 гектарнинг барча участкаларини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш учун узоқни кўзлаган ҳолда тайёргарликлар олиб борилаяпти. Виждонан айтиш лозимки, ҳозирнинг ўзидаёқ бу иншоот ҳудудидаги тозаликка ҳар қандай инжиқ санитария врачи ҳам тасанно дейди. Умуман, 23,7 гектарга қайрағоч, жийда, тол, терак, тут сингари иқлимга чидамли дарахт кўчатлари экилади. Ўтган йил кузак ва бу йил баҳорда 46,5 минг туп ана шундай дарахтлар кўчатлари экилди. Шундан 30 минг тупи амал олиб, ҳозир яхши ривожланмоқда. Жами 13,7 гектарга ҳар турли экинлар, асосан беда ва буғдой экилди. Ҳозиргача бир неча минг тонна беда хашаги жамғариб қўйилди. Демак, 50-60 бош қорамол олиб, ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш учун ҳам имконият яратилди. Бу ерда кўчатлар танлаш, тайёрлаш, ўтказиш ишларида Нукус ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимига қарашли биоэкология институти ходимлари яқиндан кўмак бераяпти.



Ишчилар ошхонаси

Бир сўз билан айтганда Қўнғирот сода заводида қизғин иш олиб борилмоқда. Қийин об-ҳаво, мураккаб иқлим шароитида минглаб кишилар яратувчанлик меҳнати билан банд, қудратли техникаларнинг гулдурос овози Устюрт саҳроси узра баралла янграмоқда. Чунки корхона бунёдкорлари мазкур заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда тутадиган ўрни нақадар муҳим эканлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар мустақилликнинг 7 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашни мақсад қилиб, амалда ниятига эришмоқдалар.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири
Суратлар муаллифи С. ЗУЪФАРОВ (ЎзА).

Бизнинг суҳбат

МУАММОГА ЎРИН ЙЎҚ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган йиллар давомида халқнинг, айниқса унинг моддий ҳимояга муҳтож қатламининг турмуш даражасини яхшилаш борасида қатор қарорлар қабул қилинди. Хўш, Пешкў туманида бу қарорларни бажариш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Журналист Собиржон Қодиров яқинда шу туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Бахтиёр Садировга шу мавзуда бир неча савол билан мурожаат этди.

- Инсон манфаатлари йилида туманда амалга оширилган ишлар сизни қаноатлантирадими?

- Бу борада жамоамиз олдига улкан вазифалар қўйилгани бежиз эмас. Биз кундалик иш фаолиятимизда пенсия тўғрисидаги қонун, Президент Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорларини, шу жумладан бошқа бир қатор муҳим ҳужжатларни ўзимизга асосий дастур қилиб олдик. Энг муҳими, ҳисобимиздаги 7855 нафар пенсия ва нафақа олувчиларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилдик. Жами бир йил давомида 164 миллион сўмдан зиёд миқдорида нақд пул тўланди.

Бундан ташқари, 16 нафар ногиронга кресло-аравачалар олиб берилди. 45 нафар кишининг сиҳатгоҳларда дам олиб, даволанишлари таъминланди. 31 нафар ногиронга енгил автомобилга ёнилғи сотиб олиш пули тўланди.

- Нафақа тўлашда қатор янгиликлар бўлганидан хабаримиз бор, ана шу ўзгаришларнинг айримлари ҳақида изоҳ берсангиз?

- Ўтган йиилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда чиқарган фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июнда қабул қилган қарорини ҳаётга тадбиқ этишга киришдик. Ҳеч қаерда ишламайдиган, 2 ёшга тўлмаган ва боласига қараб туриш учун нафақасини ололмаётган оналарга бу нафақалар ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўлана бошланди. 1221 нафар ёш болали оналарни ҳисобга олиб оймаой уларга 1125 сўмдан тўлаб боряпти.

- Шу кеча-кундузда пенсияга чиқаётган фуқаролардан, ҳужжатларни расмийлаштиришда кўп қийинчиликларга учраяпмиз, деган эътирозларни эшитиб турибмиз. Буни қандай шарҳлайсиз?

- Тўғри, бу ҳақда бизга ҳам кўп киши шикоят қилиб келяпти. Энг аввал, жамоа хўжаликлари, ташкилот ва идоралардаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги бунга сабаб бўлмоқда. Уларнинг айби билан меҳнат дафтарчалари ўз вақтига тўғри тўлдириб борилмайди, ўзгаришлар қайд этилмайди. Шунингдек, фуқароларимизга ҳуқуқий билим етишмайди. Баъзилар пенсиягача меҳнат дафтарчаси юритиш зарурлиги ҳақида ўйламайди ҳам. Бу ҳол хусусан имтиёзли шарт билан пенсияга чиқаётганларда кўп учрамоқда. Жойлардаги кадрлар билан ишловчи шахслар белгиланган вақтда пенсияга чиқувчилар рўйхатини, уларнинг манзилгоҳи, туғилган вақти, вазифаси ва умумий иш фаолиятини кўрсатган ҳолда ҳужжатларни бизга тақдим этишлари даркор.

Пенсияга чиққан фуқаролар тажрибаси, билимидан фойдаланиш учун уларни ўз розилиги билан ишга қабул қилиш мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, ишловчи пенсионерларнинг рўйхатини сўралган пайтда туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этмай яшириб сақлайдилар. Бу асло мумкин эмас. Бундай ҳоллар аниқланса, ўша корхона ва хўжалик раҳбарига нисбатан маъмурий чора кўрилади ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Собиржон ҚОДИРОВ.

TV

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ-I
19.00 «Вести».
19.30 Футбол бўйича Жаҳон чемпионати кундалиги.
20.00 «XXI аср юлдузлари».
21.10 «К-2» таништиради.
22.05 Бриджит Нильсен «Домино» психологик драмасида (Италия, АҚШ).
23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун матч. Париждан олиб кўрсатилади.

НТВ

9.00 Тонгги сеанс. Иван Скуратов ва Анна Комолова Борис Барнетнинг «Қари чавандоз» комедиясида.
10.35 Мультсериал.
11.00 «Бугун эрталаб».
11.10 «Криминал». «Чин дилдан иқрор бўлиш».
11.30 «Мени тушун». Телеўйин.
12.00 «Конан». 16-серия.
12.45 «Винт»дан бошлаб...»
13.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 Бизнинг кино. Светлана Дружининанинг «Цирк маликаси» мусиқий фильми.
16.00, 02.10 — «Футбол клуби» жаҳон чемпионатида.
17.15 «Уз уйини».
17.45 «Суд келаяпти».
18.40 «Полициячилар академияси», 3-серия.
19.30 «Мен ва итим» дог-шоуси.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.30 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
20.50 Кино олами. Жан-Клод Ван Дамм Марк Диссалнинг «Кикбоксер» жангари фильмида (АҚШ).
22.45 «Қўғирчоқлар».
23.40 «Намедни-90».
00.30 Криминал сериал. «Тубан кетган фаришталар». 3-серия.
01.10 «Уша ҳақда». Ток-шоу.
01.50 «Даҳма латифалари». Сериал.

ҚозТВ

8.00 «Ҳақиқат».
8.20 «Сиҳат-саломатлик».
8.40 «Талабалар саҳнасида».
9.00 «Еркем-ай».
9.25 «Экспресс-FOOD».
15.55 «Ютуқ» салони.
16.10 «Темиқозиқ». Тарихий тележурнал.
16.35 «Сифат».
16.35 Т. Жургенов номли театр ва кино институти — 20 ёшда.
18.00 «Спорт +» телеканали намойиш этади.
19.00 «Камтарлик ҳусни».
19.30 Ахборот-дам олиш телевикторинаси.
19.50 «Уйқурилишбанки»: «Уйга вазифа».
20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
20.40 «Бизнес-дастур».
21.00 «Оила». Бадиий фильм.

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЁШЛАР» телеканали
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Пўлат тулпорлар».
3. «Сочининг савдоси тушди».
4. «Ёшлар ва эстрада».

* * *

12.20 «Санъат олами».
12.40 «Ҳазрати Инсон».
12.55 «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
13.55 «Чолиқуши». 7 қисмли бадиий фильм. 7-қисм.
14.45 — 15.35 «Оталар чойхонаси». Мусиқий- дам олиш дастури.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ ва куйлари. I Республика танлови ғолибларининг концерти.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.

«Аср мўъжизаси» кинодастури.

21.55 Кино янгиликлари.
22.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.35 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 4-қисм.
23.40 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Финал.
01.40 — 01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
8.20 Урдубодий. «Беш сўм». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
9.10 «Бизнес академия».
9.25 Экранда, премьера. «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
10.15 «Дойче Велле» тақдим этади...»
10.35 «Лавжой». Телесериал.
11.25 Эстрада тароналари.
11.45 Болалар экрани.
13.25 «Франция-98».
14.05 «Нигоҳ».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.

«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ

15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 Жаҳон халқлари эстрадаси.
15.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.15 «Нафосат».
16.25 «Қалб таронаси».
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Титаник сири». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «Жараён».
19.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 Келгуси ҳафтада.
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Изҳор».
22.35 Якшанба кинозали. «Экстерминатор».
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.50 «Цирк, цирк, цирк!»

*

17.20—23.10
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари

*

23.10 Эълонлар.
23.15 «Ҳунарли хор бўлмас». Телекўрсатув.
23.35 — 00.05 «Таҳлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

9.00 «Хайрли тонг!»
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами»:
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 — Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 Мусиқий Олимп.
14.20 Клип—антракт.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 «Иштирок этувчилар».
15.10 Кундузги сеанс.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ

*

18.45 «Мультомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Хайрли оқшом!».
21.05, 23.05 — Эълонлар.
21.10 «Кобра». Телесериал.
21.50 «Бугунги кун мавзуси».
22.05 «Ютиб олинг ва сарф қилинг».
22.35 «Жаҳон киноси янгиликлари».
23.10 Киносалон.
00.40—00.50 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

8.05 «Кинононушта».
9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.50 — «ТВ-ҳамкор»,«Метеохабар».
9.25 «Болалар канали».
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Шоу соати».
14.10 «Ўн олти ёшлилар». Ёшлар телесериали.
14.35 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
15.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
16.45 «Ўйинчоқлар уйи». Компьютер ўйинлари ҳаваскорлари учун дастур.
17.00 «Видеомода». Модалар тарихи ҳақида кўрсатув.
17.30 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
18.20 «Моделлар академияси». Ёшлар сериали.
18.45 «Оқшомги латифа». Ҳажвий дастур.
19.00 «Висол». Мусиқий дастур.
19.30 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
20.15 «Сайёрамиз спорти». Ҳафталик шарҳ.
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Кордье». Детектив телесериал(Франция).
23.15 Якшанба кунги киносеанс.
01.00"М.Э.Ш. госпиталидаги бошоғриқ хизмат». Ҳажвий сериал.

РЖТ

6.55 Павел Кадочников «Меҳр» саргузашт фильмида.
8.15 «Лотто-Миллион». «Спортлото».
8.30, 15.40, 16.05 — «Дисней-клуб».
9.00, 14.00 — Янгиликлар.
9.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Тонг юлдузи».
11.00 «Аскар дўкони».
11.30 «Янгра, гармонь!».
12.00 «Деҳқон ахборотномалари».
12.30 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Сериал.
13.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.05 «КВН-ассорти».
16.35 Леонид Якубович «Тарих ғилдираги» телеўйинида.
17.20 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
18.00 Олтин серия. Елена Проклова ва Андрей Миронов «Менинг эрим бўлинг» комедиясида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Киноафиша».
20.00 «Время».
20.35 Ивар Калниныш ва Игорь Бочкин «Чапақай автобус» детективида.
22.35 Леонид Гайдай комедиялари. «Самогончилар», «Кучук Барбос ва ғаройиб кросс».
23.10 XX аср футбол билан хайрлашмоқда. Жаҳон чемпионатининг финали. Франциядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (00.50) — Янгиликлар.

РДТ

7.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
7.25, 10.55, 13.30 — Мультфильмлар.
8.00 «Аншлаг ва Ко».
8.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
9.20 «Хайрли тонг, юртим!».
10.05 «Уч қирол жанги» тарихий киноэпопеяси. Телесериал. 4-серия.
12.05 «Парламент соати».
13.00 «Вести».
13.40 «Рус лотоси».
14.20 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
15.10 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқот».
16.05 «Мутлақо махфий».
17.00 «Эски квартира. 1971 йил». 1-қисм.
18.20 «Пульс».
18.50 «Тезлик». Халқа йўли автопойгаси.
19.05 Катталар учун мультфильм.
19.25 Виктор Проскурин, Елена Голева, Виталий Соломин ва Иннокентий Смоктуновский Игорь Масленниковнинг «Пиковая дама» фильмида.
21.00 «Кўзгу».
22.00 Эрик Ромернинг «Кўмкўк нур» мелодрамаси (Франция).

ҚозТВ

7.05 «Уйғон ва куйла».
7.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.
7.50 «Ҳарбий қасамёдга содиқ».
8.10 Мультфильм.
8.30 «Кичик юлдузлар». Концерт.
8.50 «Қурбақа ва Эдельвейс». Қисқа метражли фильм.
9.30 «Еркем-ай».
9.55 «Экспресс-FOOD».
10.15 А. Киминг ижодий портрети.
11.30 «Әнши балапан».
12.00 «Ажар». Тележурнал.
12.30 «Дубль-1» қозоқ киноси каскадёрлари билан.
13.00 «Ипак йўли». Телеэкспедиция.
13.30 «Замин соҳиби».
13.50 «Ютуқ» салони.
14.20 «Хотиралар архиви».
14.45 «Ёшлар муаммолар йўқми?».
15.15 «Кўп кўчалар Желтоқсандан бошланади».
15.45 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти кўрсатувлари.
16.45 «Сифат».
17.05 «Хавфли нуқтада». Ўсмирлар ва гиёҳвандлик.
17.40 «Соя билан жанг». Ерболат Олжабоев дастури.
18.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик дастури.
18.30 «Формула S».
18.50 «Мусиқа карвони».
19.00 «Олтин дала». Телеўйин.
19.40 «Қозоғистон-2030».
19.50 «Уйқурилишбанки»: уйга вазифа».
20.25 «Механик Гавриловнинг суюкли аёли». Бадиий фильм.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Ҳурматли
муштарийлар!
Йилнинг
иккинчи ярми
учун
«Ишонч»га
обуна бўлишни
унутманг!



Истиқлол қўшиқлари

БОБОЛАР РУҲИ

Қуёшдек нур сочар
курра заминда
Ўзбекистон деган
ажиб бир диёр,
Сўз йўқ таърифига,
баёни чексиз,
Заковат жойида
тортурман ҳушёр,

Ўзбекнинг аждоди
хўп улуғ зотлар,
Уларнинг руҳидан
куч олар макон.
Эрксевар халқлари
Ватанни безаб,
Фаровон яшайди,
яралган имкон.

Тарихни ўргансам,
ғурурим ошар.
Жаҳонни лол этган
она юртим бор.
Истиқлол туфайли
бунёдкорликда,
Боболар руҳлари
ҳар вақт мададкор.

Бу ажиб жаҳонни
қамраган шони,
У эса ўзбекка
ўтмишдан мерос.
Давом эттирмоқда
шердек халқлари,
Муқаддас анъана
улargadир ҳам хос.

Рустам ХЎЖАЕВ.

ЗАМОНА ПТОЛЕМЕЙИ

Азиз ўқувчилар! Мулла Насриддин, Насриддин Афанди, Ота Кўпек Мерган, Алдар Кўса, Умурбек Лаққи сингари туронзамин халқаро зарофатгўй донишмандлари номини кўп эшитгансиз. Ўн олтинчи асрга келиб улар қаторига Мушфиқий ҳам қўшилди. Хўш, Мушфиқий ким? У асли тарихий шахсми ёки тўқима тимсолми, деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Биз шу саволга тўлароқ жавоб беришга уринамиз.

Тожик халқ латифа ва ҳикоятларининг асосий қаҳрамонига айланган Мушфиқий тарихий шахс, унинг асл исми Абдураҳмон, XVI асрда яшаб ўтган. У лирик шоир, ҳозиржавоб ҳажвгўй, достоннависдир. Мушфиқийнинг ота-боболари асли марвликдир. Шоир 1525 йили Бухорода қашшоқ оилада дунёга келиб, ёшлигида ота-онасидан етим қолади. Натижада бўлажак шоир бухоролик бир ҳунарманд хонадонида хизматкорлик қилиб, хат-саводини чиқаради, мадрасада таҳсил кўради. У фавқулодда истеъдод соҳиби сифатида математика, астрономия, ҳикмат, мантиқ, араб тили, фалсафа, башорат билимларини мукаммал эгаллаб, даврон нодири даражасига етади. Аммо ёшлигидан шоиртабиат бўлган Мушфиқийда бадиий ижодга интилиш кучлилигидан тез орада машҳур шоир сифатида шуҳрат қозона бошлайди.

Мушфиқий Аминий ва Маҳрамий каби шоирлар билан бирга бир оз муддат давлат хизматкори, зодагонлардан Бурҳонхон ҳузурида бўлган ва жуйбор хўжаларидан баъзиларига мадҳиялар ёзган бўлишига қарамай, она шаҳрида шуҳрат топа олмади, бирон ҳомийси ҳам бўлмади. Шунинг учун Мушфиқий 1564 йили Самарқандга кетади. Шоир бу ерда сарой китобдори вазифасида хизматда бўлса-да, моддий аҳволи яхшиланмайди. Шоир Бухорога қайтиш мақсадида Абдуллахонга қасидалар йўллайди. «Гулзори Ирам» маснавийсини тугатади. Бу орада Самарқанд ҳокими Абу Саид вафот этгач, унинг ўрнини Абдуллахон қўлга киритади. Мушфиқий унинг зафарини муборакбод этиб, қасидалар битади, аммо хон унга илтифот кўрсатмайди. Натижада бир қанча адиблар сингари Мушфиқий ҳам Мовароуннаҳрни тарк этиб, Ҳиндистонга кетиб қолишга мажбур бўлади. У 1577 йили Акбаршоҳ ҳузурига борганда ҳам умидлари пучга чиқади. Шундан сўнг шоир 1578 йили Бухорога қайтиб, Абдуллахон саройидаги адабий доирага дохил бўлишга эришади ва адабий жараён, жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар оғушида яшаб, 1588 йили вафот этади.

Мушфиқийдан бизга катта ҳажмда бадиий мерос қолган. Уларни ўрганиш, тасниф этиш ва нашр қилдиришда олимлардан Зоҳир Аҳроров, Садриддин Айний ҳамда Усмон Каримовларнинг хизмати катта. Унинг тўртта шеърлар девони мавжуд бўлиб, биринчиси 1558 йили тузилган, фақат ҳажвиялардан иборат, қолган уч девон эса қасида ғазалларни ўз ичига олади. Бундан ташқари Мушфиқий «Соқийнома», «Гулзори Ирам», «Жаҳоннамо» сингари достонлар ҳам ёзган. Девонларида қасида, ғазал, рубоий, қитъа, мухаммас, маснавий, таркиббанд, мустазод, таржеъбанд сингари лирик тур жанрларидаги асарлар жамланган. Шоир ўз ҳажвияларида кишилар ўртасида учрайдиган нуқсонлар, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар устидан кулади. Адолатсизликдан нолийди. Машҳур «Мерос тақсими» ҳажвиясида эса қиз болани ота-она меросидан маҳрум қилиш одатини рад этади. Бу хусусдаги мунофиқлик ҳамда риёкорликни қаттиқ танқид остига олади. Мушфиқий Шарқ шеърияти тарихида ҳажвий шеърлардан махсус девон тузган ягона шоир сифатида ҳам диққатга сазовор. У умрининг охирги йилларида нисбатан илм, маданият равнақи учун имконият пайдо бўлган осойишта муҳитда маликуш-шуаро даражасига етади. Мушфиқий ўз ижодида Ҳасан Деҳлавий ҳамда Камол Хўжандий сингари буюк санъаткорларнинг илғор анъаналарини давом эттиради, уларнинг даҳосидан файз топади. Шоир лирикаси ғоявий йўналиши, тематик доираси, хусусан, санъаткорлик жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунки уларда анъанавий образ ва мавзулар янгича моҳият касб этиб боради, у лирик қаҳрамоннинг дард-ҳасрати, шоду хуррамлиги-ю, ўзига хос ҳазил-мутойибага мойиллиги, маъшуқанинг сервиқор нозу таманноси, ошиқ илтижоси-ю, ноla-ю зорига бепарво, «ўз тахтидан тушмаслиги» (Навоий)ни ниҳоятда таъсирчан, бадиий ўйноқликда тасвирлайди. Профессор Зоҳир Аҳрорий Мушфиқий санъаткорлик маҳоратини шоир ижодига бағишланган рисоласида махсус ўрганган. Машҳур адиб ва қомусий билим соҳиби Садриддин Айний ўз тадқиқотларида шоир назмининг бу жиҳатига бир неча бор ишора қилган. Маъшуқасининг дардида юрмоқ, унинг хоки пойини кўзига тутиё этмоқ ошиқ учун бахт, фидойиликка ундовчи бир рамз:

Волаи хусни хати ғолиябўи ту
шавам,
Вах чи зебо шудаи, бандаи
рўи ту шавам.

Гар шавад ҳар нафасе дар
тани ман жони дигар,
Ҳар нафас чон диҳаму зинда
бар бўй ту шавам.
Ман на он ошиқам имрўз, ки
чун булҳавасон,
Талабам коми дилу, ранжа
зи хўи ту шавам.
Сари мўе шудаам аз гаму
дорам ҳавасе,
Ки фидои ҳаваси ҳар сари мўи
ту шавам.

(Сенинг мушкин ҳидли лабинг хатига вола бўлибман, шу қадар гўзаллашибсанки, юзинг бандаси бўлибман. Ҳар нафасда танамда бир жон пайдо бўлса, ҳар дақиқада жон бергим-у, ҳидингдан қайта тирилгум. Мен бул ҳаваслар сингари бугун парвона бўлиб, ҳажр азоби онларида сандин воз кечмасмен. Ишқинг кўйида соч толасидек бўлиб қолдим, лекин ҳамон ҳар сочинг толасига фидойилигимча қоламан).

Барча ўтмиш тазкиранавис ва шеършунослари Мушфиқийни нозикбин ва нозикбаёнликда алоҳида маҳорат соҳиби сифатида таърифлайдилар.

Мушфиқий қасидаларининг кўпи васфий характерга эга. Уларнинг баъзилари шоир ўзига бир пуштипаноҳ, ҳомий топа олмай, шаҳарма-шаҳар юрганида турли ҳукмдорларга йўлланган асарлардир. Аммо «қасидалар девони»-да шундай шеърлар ҳам борки, уларда муаллиф, бир томондан, ўзининг оғир, мусибатли ҳаётини, қийинчиликларини ифодалаб, замонадан шикоят қилса, иккинчидан, шоҳ наздидаги обрўсига суяниб, мавжуд ижтимоий тузумдаги адолатсизликни, айрим беклар, идора амалдорлари, хусусан, вазир Осаф томонидан содир қилинаётган зулмзўрлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қаттиқ танқид қилинади, уларни адолатпеша бўлишга ундайди.

«Соқийнома» ҳамда «Жаҳоннамо» нисбатан ихчам достонлар бўлиб, уларда шоир сўфиёна майллар, аҳлоқ-одоб масалалари, комиллик шартлари хусусида бир мутафаккир сифатида мулоҳаза юритиб, китобхонни илм ўрганиш, маърифатли бўлишга даъват этади. Саргузашт достон «Гулзори Ирам»да эса муаллиф икки ёш ўртасидаги фидойи ишқни Ҳусн, Дил, Ишқ, Ақл, Хаёл, Ғамза, Меҳр, Вафо, Номус сингари рамзий ва мажозий образлар орқали тасвирлаган. Бу мавзунинг кейинги асрлардаги туркий ҳамда форсий тиллардаги адабиётларда анъанага айланишида Мушфиқий асарининг ўрни бор.

Ўтмишдаги кўп тарихий ва илмий манбаларда Мушфиқий нозиктабъ, зарофатгўй шоир, достоннавис санъаткор сифатидагина эмас, балки аниқ фанлар соҳасида ҳам алломаи замон сифатида таърифланган. Жумладан, «Тарихи томм» китобининг муаллифи Шарофиддин Роҳийнинг (XVIIаср) Мушфиқий Марв шаҳри зодагонлари авлодидандир. Ўз давридаги барча билимларни мукаммал эгаллаган, аҳли донишга пешво эди, дейди. «У илми ҳикматдан Жолинус каби бохабар, ҳайъат бобида Батлимус каби баландахтар, қуръа фани ва рамл илмида толеи мунаввар эди. Ҳисоб илмида шунча нарсаларни билардики, оқиллар ақли унинг тасаввуридан ожиз ва заковат аҳлининг зеҳни уни идрок этмоқдан қусурли эди». Роқимийнинг таъкидлашича Эрону Хуросондан кўп олимлар келиб, Мушфиқий ҳузурида математика ҳамда астрономиядан дарс олиб маслаҳатлашиб, мушкул масалаларни ечтириб кетишаркан.

Хулоса қилиб айтганда, Мушфиқий ёшлигида барча билимлар соҳасида камолот касб этиб, ўзининг зукколиги-ю ҳозиржавоблиги, кароматгўйлиги-ю воизлиги билан замона донишмандларини лол қолдирган нуктадон олим, ҳажвчи, нозиктабъ санъаткор бўлган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ.

«Фил суриб, от ўйнатиб»

НАВОИЙ ВА ШАТРАНЖ

(боши газетанинг ўтган сонида)

Қуйидаги сатрлар Алишер Навоийнинг «Саббъаи сайёр» достонидан олинган бўлиб, ғоятда таъсирчандир.

Шоҳ тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,
Сипоҳдан керакмас айрилмоқ,
Шоҳни дерлар сипоҳ бирла шоҳ,
Шоҳ эмасдир, йўқ эрса онда сипоҳ.
Шоҳга хайл ўлса фатҳ, анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур.
Борса шатранж шоҳининг сипоҳи,
Кўрки, борми ҳисоб ичинда шоҳи.

Улуғ шоирнинг 535 йиллигига бағишланган «Навоий ва шатранж» номли мақоламда «Навоийнинг шатранж ўйнаганлигига бирон бир ишончли яхлит манба ҳозирча учрамади. Лекин «Лисонут-тайр»даги ҳикоянинг моҳирона ёзганлигига ҳамда ўша даврнинг устоз шатранжчиларига берилган таърифларга қараб, Навоий фақат кузатувчигина бўлмасдан, бу ўйинни ўзи ҳам севган ва яхши билган, деб дадил айта оламиз дейилган жойи бор эди.

Мақола юзасидан редакцияга йўллаган мактубида самарқандлик бир ёш олим: «Яхлит манба бор...» деб бизни ажиб бир факт билан таништирганди. Навоий билан шоир Биноий ҳазил мутойибага мойил ва ҳозиржавоб бўлганликлари кўпчиликка маълум. Одам зич йиғинларнинг бирида Навоий ёнида ўтирган Биноийга «Оёқни қаёққа узатсанг шоирнинг бетига тегади»,- деса, Биноий шу заҳоти: «Йиғиштирсанг ҳам...» деб жавоб берган экан. «Мана шу воқеа худди шахматчилар мажлисида юз берганлигини машҳур шарқшунос академик Бартольд аниқлаган»,- деб ёзибди ўша олим.

Биз унга жавоб мактуби йўллаб, ўз давридаги шатранж мажлисларининг нуфузини оширувчи бу далил билан ошно қилгани учун олимга ташаккуримизни билдирар эканмиз, ўша мажлисда ҳам Навоий шахсан ўйнамаганлиги, профессор А.Семёновнинг 1940 йилда босилган бир мақоласида буюк шоир сафар чоғида ҳам шатранж ўйнаганлигини айтган бўлса-да, яққол мисол келтирмаганини айтдик.

Навоий шахсан шатранж ўйнаганлигига асло шубҳа йўқ. Лекин қачон, қаерда ва ким билан ўйнаганлиги ҳозирча бизга номаълум.

Энг муҳими, Навоий асарлари шатранж тарихи, атамаларини ўрганиш ва яратишда қимматли манбалардан экани муқаррар.

Заҳматкаш олим, зукко адиб Ойбекнинг «Навоий» романида ҳам шахмат мажлиси тасвирланганлиги бежиз эмас. Бу эпизодни яратиш учун ёзувчи кўп машаққат чеккан бўлса керак. Мана шу парчадагидек қадим шарқда шатранжчилар даврасига кирган кишилар нафақат ўйин бобида, балки катак тахтада вужудга келувчи турли-туман вазиятларга монанд тайёр байтларни танлаб ўқиш, хонаси келганда бир зумда янгисини тўқиш жиҳатидан ҳам мусобақалашардилар.

Шатранж мажлислари ўтказиш анъанаси ҳозирда ҳам жумҳуриятимизда унча-мунча давом этиб келяпти.

Мамажон МУҲИДДИНОВ

(давоми бор)

ДИЛХУШИ МАШҚЛАР

Барча тасвирларда акс эттирилган масалаларда оқлар бошлаб қора шоҳни икки юришда мот қилади.



Бўри Раҳимов - табиат шайдоси. У айниқса гулу қушларни жуда-жуда ёқтиради. Шеробод тумани ёш табиатшунослар маркази раҳбари бўлиши билан бирга турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашмоқда. Ҳозирги кунда уйида 100 дан зиёд энг ноёб қушларни парваришлаётир.

Суратда: Бўри Раҳимов фарзандлари Шодибек ва Ситора билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

Ҳар тўғрида

ТУҒИЛАЖАК ГЎДАКЛАР УЧУН МУСИҚА

Италиялик композиторлар Франко Брер ва Марко Зибекилар ҳамкорликда тамоман ғаройиб 46 минутли компакт-диск ижод қилдилар. Бунинг ғаройиблиги шундаки, бу дискни ҳали ёруғ дунё юзини кўрмаган, тўғрироғи туғилажак гўдаклар тинглайдилар. Музикачилар бу ишга қўл уришларига она қорнидаги ҳомиланинг беш ойлигидан бошлаб ташқи дунёдаги товушларни ажрата билиши ва уларга эътибор бериши ҳақидаги илмий жиҳатдан исботланган хулоса туртки бўлди. Худди шунинг учун ҳам улар бу альбомларига фортепьяно, арфа, флейта асбобларида ижро этилган ёқимли куйлар ҳамда табиатдаги қушлар сайрашидан тортиб то чирилдоқларнинг товушигача киритганлар.

Альбом авторларининг фикрича, улар тўплаган куйларни она қорнида эшитган болалар туғилганларидан кейин вазмин, ўзига ишонувчан одам бўлиб етишадилар.

Ушбу альбом-дискни туғилажак болаларга қандай самарали таъсир кўрсатиши ҳозирча номаълум эрсада, италиялик бўлажак оналар уни яхши ният билан бажонидил сотиб олишаяпти.

ҚЎШИҚ

(фантастик ҳикоя)

У қўшиқ куйларди ҳазин ва ҳазин... киприклар намланар, қалблар ғамларда, ғижжак эшилар, эврилар торлар, мунглар ёғилар-ситам ва зорлар... Чораси йўқ экан, кўнгил дардларда, эркин банди этган кишан - гардларда... Бу ситам чорасин тополмас эди, бу кўнгил яраси битилмасмиди? У қўшиқ куйлайди ҳазин ва ҳазин... Оромсиз бир ун бўлиб, бўронсиз исён бўлиб, поёнсиз армон бўлиб...

Муҳташам кошонада Аброрнинг қўшиғи доира шаклидаги ойналардан нарига ўтолмас, турли асбоб-анжомларга лиқ тўла хонада айланиб-айланиб ёйилар эди. Бу ҳол кўпдан, яъни мана шу ёқларга Аброрнинг келтирилганидан буён давом этади. У ўзгалар иродасига бўйсуниб яшашни истамас, аммо шу тобда ноилож. Тутқунликда бўлса ҳам фазовий техника қурилмалари устида ишлаётганидан шодланар, ўз юртини ўйлаб оғайниларини қўмсар, жиловланган эркининг кишанига болта уришга, қочишга пайт пойлар, ҳамма истаклари қорни тўйиб ётишу, янги анжом ихтиро этиш шодлиги билан алмашиниб тугайверар... Лекин қўшиғин қуймас, тушида ҳам айтар, айтаверар...

Жон Лор ўта босиқ, қалбида аллақандай соғинч билан яшаётган Аброрни тушунмас, «ҳадеб мингиллайверма», деб койиб ҳам юрарди.

- Кошона бўлса ҳам эркинг бўлмагандан кейин тутқунсан-да! - деб Жон Лордан аччиқланар, ғижжагини қуймас эди.

Ундаги ҳиссиёт Жон Лорга ёт. У тушунмайди, соғинчнинг аламли онларини, эркнинг шодмонлигини... Яна қўшиқ айтади Аброр! Энди дилида, юраги титраб, кўнгли ўксиб, оромсиз бир ун бўлиб, бўронсиз исён бўлиб, поёнсиз армон бўлиб...

Бу қўшиқ «ту, ту, ту» товушига йўл бериб тинди. Жон Лор «Т» ҳарфи шаклидаги эшик томон юзланди. Одатда бу товушлардан сўнг уларнинг ҳузурига бошлиқ кирар, катта муваффақиятдан сўнг уларга озодлик, эрк ваъда этиб кетарди. Бундай зафар қучган онлар кўп бўлган, аммо ваъда ваъдалигича қолиб кетаверган. Аброр яна шундай манзарани кутганидан эшик томон қарамади ҳам. У аллақачон ишончини йўқотган, фақат қўшиқларига суяниб яшарди холос. Аммо бу сафар ундай бўлмади, Жон Лорни чақиришди.

Туман чулғаган баланд чўққига булутлар, харсангларни ортда қолдириб бир зумда етиб келинди. Ҳар бир харсанг ости одатда гўша бўлиб, унда тин олиш, ҳордиқ чиқариш мумкин бўларди. Жон Лор бу харсанглар ҳақида кўп эшитган, аммо бирор марта уларнинг олдига йўлаган эмас эди. Кўп ўтмай бошлиқ ҳузурида қомат тиклаган Жон Лор ўзича бахтиёр эди. Бошлиқлар ишончини қозонгани учунми, ишга қодирлигиданми, ғурур аралаш севинчи шундоққина унинг кўзидан кўриниб турар эди. Кўп ўтмай бошлиқ иккиси ёлғиз қолишди.

- Навбатдаги парвоз Эра галактикасига! Бундан хабарингиз бўлса керак? - сўради Жон Лорнинг чақноқ кўзларига синчковлик билан боқиб бошлиқ.

- Албатта.

- Фазогир ким бўлади?

Жон Лор елка қисди.

- Сиз учасиз!

- Кутилмаган ишонч яна Жон Лорни довдиратди.

- У ердан сайёранинг сатҳи, ўрни, иқлими, айниқса бойл-и-и-к-лари ҳақида маълумот берасиз, - бошлиқ бармоқларини букиб гапирди.

- Мен тайёрман, - ўзига қатъий ишонч билан сўзланди Жон Лор.

- Аброр бу ерда туриб сиз билан алоқа боғлаб, хабарлашиб туради, умуман, унга ишонса бўладими? Ўзи ғалатироқ кўринади менга,- кўнглига қўл ташлади бошлиқ.

- Ҳа-деб қўшиқ айтгани-айтган. Ғижжак ноласи, жудолик куйи эмиш. Умуман безиён, зукко олим.

- Ғижжак?

- У дард ва аламни, букилган иродани, жудолик фарёдини куйлай олади, дейди доим. Гоҳо ўзим ҳам эзилиб кетаман, бефарқ тинглаб бўлмайди, куйини.

- Унинг куйини бир эшитиш керак экан-да! Ҳай, майли, оқ йўл бўлмаса!, - деди бошлиқ ва Жон Лорга омад тилаб қолди.

Шу оқшом Жон Лор яна Аброрнинг ғижжак торлари ноласини, йиғлаб айтаётган фарёдини анчагача эшитиб ўтирди...

***

Жон Лор ҳалокат тўғрисида сира ўйламаганлигидан афсусланиб кетди. Ракетани бошқариб бўлмаяпти. Носоз бўлмани кўрсатиб ҳалокат сигналлари чалинмоқда. Бора-бора бошқарув бўлмасининг бутунлай шикастланганлигини таъкидлаб хавф-хатар садоси узилмай янграб турди. Энди инсон иродасига бўйсунмай қуйган темирқанот тубсиз уммонга борган сайин шўнғиб бора бошлади. Дам ўтмай Жон Лорнинг боши нимагадир қаттиқ урилгандан кўзидан ўт чақнади ва ҳушини йўқотди. Ўзига келганида зим-зиё тун қўйнида сингиб кетган ялангликда ётарди. Қовоқлари оғир-оғир, оёқлари зил-замбил. Бутун гавдаси ўзиники эмасдай, бемажол, лаблари қуриқшаб, бўғимлари зирқирарди. Шу алпозда анчагача ўзини қўлга ололмай ётди. Оёқларига бир оз мадор келиб, сўнгги кучини тўплаб, ўрнидан қўзғалди. Зирқираётган бошини аранг тутиб турди. Юрди. Қоронғулик қора чиммати аро... Аммо йўлнинг на охири, на адоғи бор эди. У қадамларини санаб анча юрди... Санади, қайта-қайта. Баъзан орқада ястаниб қолаётган тош йўлга назар солади, назар, аланглар ён-верига, бирон жонзот қилт этмасди, ваҳимага тушар...

Ўтган вақтни илғай олмас, аммо энди очиққанини фаҳм этиб, овқат излашга тутинди. Ичаклари ачишиб оғрир, танаси симиллаб кўзлари тина бошлар, мажолсиз, жонсиз оёқлари ўзига бўйсунмай борарди. Яна атрофга интиқ аланглайди. Лекин зим-зиё қоронғулик қаърига чулғанган бу номаълум сайёра сукут сақлар, нигоҳини тутаётган дўнгликлар, оёғига урилаётган қаттиқ жисмлардан бўлак ҳеч нимани илғамасди. Юрди, юраверди, кейин, ҳушини йўқотди...

Жон Лор кучли нурнинг кўзига қадалишига бебардош қовоқларини базўр кўтарди. Оҳиста қаддини тиклади. Энди бутун борлиқ нурга кўмилган, олтин ва олмослар товланар, кўзни қамаштирар...

Жон Лор довдираб қолди. Аланглади, ҳеч ким йўқ... Тунда харсанг бўлиб туюлган бу дўнгликлар олтин уюмлари экан. Аввалига севинчдан унинг юраги ҳаприқиб кетди, ўзини олтинлар бағрига отди. Дам ўтиб на бир кўкат, на бир томчи сув, на бир жонзоти бўлмаган оламда эканлигини ҳис этди. Олтинлар, олмослар бағрини тўлдирган бу сайёрада фақат у ёлғиз эди... Ҳам ҳокими, ҳам соҳиби, ҳам гадоси ўзи эди.

Олтинларнинг ёрқин нурлари кўзини олар, ташналик аъзойи-баданини қақшатар, тинка-мадори қуриб, боши айланарди. У қулади: Кулочларини кериб олтинлар бағрига! кейин қўшиқ бошлади: ҳазин ва ҳазин,

оромсиз бир ун бўлиб,
бўронсиз исён бўлиб,
поёнсиз армон бўлиб...

Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Эришилган келишувга биноан тожик мухолифат аскарларининг охирги гуруҳининг Афғонистондан ўз Ватанига қайтиб келиши бошланди. Дастлабки 157 киши Тожикистон тупроғига қадам қўйган. Қолган жангарилар ҳам 2-3 кун ичида қайтиб келадилар.

Ўтган куни Гулистон қишлоғида ҳукумат кўшинлари билан Саидмухтор Ёров тўдаси ўртасида тўқнашув бўлган. Тўқнашув ҳақидаги тафсилотлар ҳозирча номаълум.

***

Кеча Алматида Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлат бошлиқларининг учрашуви бошланди. Маълум сабабларга кўра Россия Президенти Б.Ельциннинг бу анжуманга қатнаша олмаётганлиги сабабли унда Россия ташқи ишлар вазири Е. Примаков иштирок этмоқда. Бундай учрашувлар 1996 йили Шанхайда, 1997 йили эса Москвада ҳам бўлиб ўтган эди. Бу учрашувдан мақсад МДҲ мамлакатлари билан бўлган саккиз минг километрли чегаралар ҳақидаги ҳамда бу бешала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш унга яқин қўшни давлатларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш.

***

Исроил саноат ва савдо вазири Н.Шаранский Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган амалий сафарини Туркманистонда якунлади. У бу ерда республиканинг раҳбарлари билан иқтисодий масалалар хусусида музокаралар олиб борди. Вазир Исроил давлатини газ қувири қурилишида қатнашиши мумкинлигини билдирди. Н.Шаранский Туркманистоннинг келажаги ҳақида тўхталиб, «...бу саҳро ўлка гуллаган бўстонга айланади»,-деди.

***

Тожикистон радио ва телевидениесида мухбир бўлиб ишлаган Ж.Галина олтмиш кун ичида Исроилни тарк этадиган бўлди. Исроил ташқи ишлар вазирлигининг берган баёнотида бу шахс бундан икки йил аввал ўз миллати ҳақидаги маълумотни қалбакилаштириб бу ерга келган эди. Унинг бу найранги кечроқ бўлса ҳам фош бўлди.

***

Қирғизистонда яқинда нафақалар ҳақида қабул қилинган қарор 2004 йилгача амалга оширилиши мўлжалланган. Унга кўра эркаклар 63 ёшдан пенсияга чиқишлари белгиланган. Бироқ маълумотларга қараганда бу республикадаги эркакларнинг ўртача умр кечириши 61 йил экан. Пенсияларнинг миқдори ҳам кўп эмас. 392 сомни ташкил этади.

Спорт

ОҒИР АТЛЕТИКА

Фарғонада оғир атлетика бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу чемпионат вазн тоифалари ўзгаргандан кейинги биринчи жиддий мусобақа эди. Дастлабки мусобақадаёқ 13 бор Ўзбекистон рекорди ўрнатилди.

Самарқандлик Виктор Янский (56 кг) даст кўтаришда - 107,5, силтаб кўтаришда - 135, икки курашда эса 242,5 кг натижа кўрсатиб уч бор рекорд ўрнатди. Фарғоналик Нодир Сулаймонов ҳам 69 кг вазнли пахлавонлар ичида уч марта рекордни янгилади. У даст кўтаришда - 140, силтаб кўтаришда - 170, жами эса - 310 кг кўрсаткичга эришди. Тахиатошлик Бахтиёр Нуруллаев (85 кг) ҳам барча кўрсаткичлар бўйича рекордчи бўлди - 160+190=350 кг. 105 кгдан юқори вазнда андижонлик Игорь Халилов силтаб туриб 230 кгли тошларни кўтарган бўлса, 185 кгни «даст кўтарди». Умумий ҳисобдаги 415 кг ҳам рекорд ҳисобланади. Қорақалпоғистонлик Фозил Урозимбетов (94 кг) эса силтаб кўтаришда рекорд ўрнатди - 200 кг. Даст кўтаришдаги 155 кг натижаси ҳам қўшилиб икки курашда (355 кг) олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, фарғоналик Алексей Картунов (62 кг: 115+140), Роман Арустамов (77 кг: 135+170), Тошкент вилояти вакили Алексей Уринов (105 кг: 170+192,5) бош совриn соҳиби бўлди.

ФУТБОЛ

Самарқандда футбол бўйича аёллар ўртасида чемпионат ўйинлари бошланди. Унда 8 жамоа 2 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳслашди. 1-гуруҳ: «Андижанка», «Шифокор» (Қарши), «Медея - Гўзал» (Фарғона), «Гули» (Навоий). 2-гуруҳ: «Дилноз» (Тошкент), «Қирққиз» (Қорақалпоғистон), «Ситора» - «Прага» (Самарқанд), «Ёшлик» (Бухоро). Икки даврали баҳслардан сўнг «Андижанка» ва «Дилноз» жамоалари гуруҳларда мағлубиятсиз ўйнаб пешқадам бўлиб олишди.

ШАХМАТ

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида жаҳон биринчилиги учун минтақавий саралаш турнири ўтказилди. Ёш шахматчимиз - гроссмейстер Рустам Қосимжонов Лас-Вегасда бўладиган жаҳон биринчилигига йўлланма олди.

Д.ЮСУПОВ,
шарҳловчи.

Тошкент шаҳар 62-ўрта мактаб томонидан Юлдашев Диёр Ҳабибуллаевич номига берилган OR-Д450439 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бош
муҳаррир
ўринбосари:
Чори
ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43.
Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10,
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43,
Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро»
(собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ»
нашриёт—матбаа
концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.30

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Улуғбек ҚУРБОН 1 2 3 4 5 6